

ТОНТ ЮЛДУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚУМИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 49 (65925)
1996 йил, 13 июль, шанба

Сотувда эркин
нархда

ОҚ ЙЎЛ, ОЛИМПИАДАЧИ АКАЛАР

Бизга ёздилар

Ҳа, роса уйнаб дам олдик, мириқиб чумилдик, саёҳатларга чиқдик, лаззатли таомлар едик, спорт мусобақалари уюштирдик. Хуллас, сира нолийдиган еримиз йуқ. Аммо... яна уйламанг, бу мунчаём инжиқ бола экан, наҳотки ҳеч нарса билан хурсанд қилиб бўлмас деб.

Йуқ, узи одатим шунақа.

РОСА УЙНАБ ДАМ ОЛДИК, АММО

Ҳар бир нарсага бир оз танқидий кўз билан қарайман. Яхши бўлса, қувонаман, камчилик бўлса, тузатишга ҳаракат қиламан. Ахир мустақил юргимиз узимизники бўлгандан кейин, ютуқлар ҳам, камчиликлар ҳам узимизники-да.

Шундай қилиб денг, оромгоҳни айланиб юриб, бирдан бу масканнынг номи «Электрон» эканлиги эътиборимни тортди. Ахир оромгоҳимиз «Миконд», яъни биллур буюмлар ишлаб чиқарадиган заводга қарашли бўлса, унинг номи «Биллур» деб атасак, қандай буларкин?»

Таклифимни катталарга айтдим. У барчага маъқул тушди. Ва шу кундан эътиборан оромгоҳимиз «Биллур» номи билан юритила бошлади. Ана шунақа гаплар.

Ҳасан НАБИЕВ,
Тошкентдаги 179-мактаб ўқувчиси.



Atlanta 1996

ПОЛВОНЛАРГА КИМ ҲАВАС ҚИЛМАС?..

деб бошланади.

Спортга қизиқмайдиган, пахлавлонларга ҳавас қилмайдиган угил бола топилмас керак. Мен ҳам машҳур полвон акаларимга ҳавас

қилиб, уларнинг ҳаёти, кўрашлардаги галабалари ҳақидаги мақола-лар, суратлар, уларини учратиб қолсам дастхатларини йиғаман,

Шу йилнинг 5 июль куни Ўзбекистондан бир гуруҳ спортчилар Атлантада ўтадиган XXVI ёзги олимпиадада қатнашиш учун жўнаб кетишди. Катта спорт байрамига бепарқ бўлмаган болалар редакциямизга мактуб йўллашпти. Улардан бири-

узим эса кучамиз футбол командасида дарвозабонлик қиламан.

Американинг Атланта шаҳрида ёзги олимпиада уйинлари бошланиши арафасида сизга мактуб йўллашимнинг боиси уз ҳамшаҳрим Бахтиёр Нуриллаев билан фахрланишимни баён қилишдир.

Оғир атлетикачи, кўплаб халқаро мусобақаларнинг голиби, халқаро миқёсдаги спорт устаси унвонига 17 ёшдаёқ эришган Бахтиёр ака Атланта уйинларида иштирок этувчи Қорақалпоғистон Республикасидан ягона вакили экан. Бу ҳақда мен «Спорт» газетасининг 26-сонидан ўқиб қолдим.

Бахтиёр ака мухбирнинг «Атлантада кимни асосий рақибингиз деб ҳисоблайсиз?» деган саволига шундай жавоб беради: «...Кубалик уч карра жаҳон чемпиони ва рекордчиси Лара Побло ҳамда корейлик Жон Чолхога унча-мунчаси

бас келолмайди. Шунга қарамай мусобақадан ниятларим катта. Мен шахсий рекордимни янгиламоқчиман. Машгулотларда ҳозир силатб кутаришда 160, даст кутаришда 190 килограмм натижага эришдим. Кучлилар қаторидан жой олиш ниятим ҳам йуқ эмас. Энг катта орзуим эса Олимпиада шоҳ-супасининг юқори поғонасига кутарилиш».

Мен полвон акамнинг бу жавобларидан узини эр билса, узгани шер билувчи мардининг, шу билан бирга билагидаги куч-қувватига ишонувчи, ниятлари тоғдек баланд пахлавлоннинг, ватанпарвар ўзбек халқи углининг тим-солини курдим. Мен у кишига ҳамда олимпиадада иштирок этиш учун кетган барча ака-опаларимга улкан ютуқлар тилаб, Ватанимизга еруг юз билан қайтинг, дейман.

Бахтиёр ПОЛВОНОВ,
Тахياتош шаҳри.

—Оҳ—оҳ—оҳ, дўлма бирам мазали булибдики, келақолинглар, болажонлар, тезроқ еяқолинглар!

Тарбиячи Зулфия опанинг бу сузлари кичкинтойларнинг иштаҳасини очиб юборди. Зум тутмай ҳамма бола бирдек ути-

жон» деворгим келади.

—Нега?

—Яхши кураман-да. Худди ойимга ухшаб гапирадилар, овозлари ҳам ухшайди.

—Унда нимага шивирлаб гапираяпсан, қаттиқ айтавер.

«ОЙИЖОН» ДЕВОРГИМ КЕЛЯПТИ

риб, овқатга қўл узатди, ҳатто «смайман» дея инжиқланадиганлар ҳам ювош тортиб қолганди.

Шу пайт четроқдаги курсида утирган думбоққина болакай ёнидаги қизча томон бошини яқинлаштириб шивирлади:

—Биласанми, Зилол, шу Зулфия опамни нуқул «ойи-

—Жиннимисан, уяламан-да.

Бу галати суҳбатни тарбиячининг овози бўлди.

—Ҳаммамиз овқатланиб бўлгандан кейин, ҳовлимиздаги севимли фавворамиз ёнига тупланамиз. Бугун «Булбулча» гуруҳи билан «Хурозча» гуруҳи уртасида спорт мусобақаси бўлади.

...Бир кунлик ҳаётдан қис-

Боғчам - овунар жойим



қагина воқеа келтирганимиз ушбу болалар боғчаси пойтахтимизнинг Миробод туманида жойлашган. 506-сонли кичкинтойлар маскани жамоасидан ета-оналар ҳамиша хурсанд. Бу ерда 12 та гуруҳда 220 та бола тарбияланади.

—Боғчамизга «Ташхим-сельмаш» заводи ҳомийлик қилади,—дейди мудира Гавҳар опа Азизова.—Мақсадимиз—болаларимизни соғлом, ақлли, меҳнатсевар қилиб тарбиялаш. Бу йилда ҳамиша изланишдамиз. Аини дамларда болаларни чиниқтиришга катта аҳамият бераёпмиз.

—Бу йил сентябрда 45 нафар кичкинтойни мактабга кузатамиз,—мудиранинг сузини давом эттиради услубчи-

тарбиячи Мунаввар опа Нуриддинова.—Яқинда шаҳар халқ таълими бош бошқармасидан боғчамизга ташриф буюришиб, бўлгуси ўқувчилар билан алоҳида суҳбат қилишди. Улар албатта тарбияланувчиларимизнинг зехни, ҳозиржавоблиги ва билимдонлигидан мамнун булишди.

Айтиб утилганлардан ташқари тарбия масканида болаларбоп турли фильмлар намойиш этилади, эртас кечалари, қизиқарли савол-жавоб беллашувлари ўтказилади. Хуллас, бу ерда уззу кун бўлган кичкинтойлар зеркиш нималигини билмайдилар.

Дилором ИКРОМОВА
Суратларда: Боғча ҳаётидан лавҳалар.

Р. ГАЛИЕВ олган суратлар.



БОЙҚҮНГИРНИ НЕГА ЭСЛАДИМ?

Биз Асака сари йулга тушганимизда ҳадеб ёдимизга Қозогистондаги Бойқунгир космодроми тушаверди. Бундан беш йил муқаддам уша жойга Олмония ва Россия космонавтиларининг учиб маросимини кузатиш ва қаламга олиш мақсадида борган эдик. Ушбу даргоҳ уша вақтга қадар уз эшикларини чет эллик журналистлар учун шунчалик катта очмаган, шу боисми ҳамма ҳаяжонда эди.

Дастуримиз буйича биз «Восход» кеманининг завод дарвозасидан чиқиши, учиб майдонига босиб утадиган йули ҳамда унинг урнатилиши билан боғлиқ жараёнларни кузатишимиз, кема ишлаб чиқариладиган заводларда бўлишимиз, кеманинг кукка кутарилишини куришимиз керак эди.

Белгиланган жойга етиб келдигу, ҳангу манг бўлиб қолдик. Нега десангиз, теварак атроф бетаптиб, темир-терсак чиқиндилари билан тулиб-тошиб ётган, бундоқ бемалол оёқ босиб булмасди. Рупарамизда булса чор-атрофи девор билан уралган, тупрок рангидаги бино, бир жуфт темир излар ана шу темир-терсаклар оралаб бино ичкарисига кириб кетган эди.

Атрофни кузатамиз. Ишчилар темир чиқиндиларини у ёқ, бу ёққа суриб, инқилаб-синқиллаб жой очишар, улар узларининг уч оёқли мосламаларини қулай урнатолмай жиғибийрон булардилар.

— Буларнинг исроф бўлиб етишини қара, ахир қимматбаҳо ашё-ку! — хитоб қиларди баъзан биттаси.

— Исрофгарчилик, лоқайдлик бор жойдан молу давлат қочади, — дерди бошқаси.

Ҳа, бизнинг бу ерга келишдан аввалги тасаввурларимиз ҳам, ҳаяжонларимиз ҳам бир пул булган эди. Кунгилхиралик корхона ичкарисига кирганимизда ҳам, ишчилар билан суҳбатлашганимизда ҳам тарқамди. Қайтага баттарлашди.

— Куриб турибсизлар юмушимизнинг оғирлигини, ҳатто фаррошлар биздан купрок маош олади, — зорланишди улар.

— Хунарларингиз аъло, қуларингиз гул экан, бошқа ишга утиб кетсангизлар булмайди? — ҳайрон буламиз биз.

— Бошқа жойда биз учун иш ҳам йўқ, худлас хунаримиз хеч кимга керакмас.

Бу гаплардан ҳаяжонлиқ узбегимнинг «Бир йигитга қирқ хунар ҳам оз» деган ҳикматли мақоли келди. Агар уша ишчилар ҳам юқоридаги ҳикматли сузда айтилганидек бир неча хунар эгаси бўлишганида «заводнинг қули»га айланиб қолишмаган буларди.

Энди Бойқунгирни нега эслаб қолганимнинг сабабини айтадиган булсам, Асакадаги автомобил заводи улкан иншоот. Хуш, бу ерда аҳвол қандай экан, ишчиларнинг ҳаёти-чи? Улар ҳам вақти келиб бошқа хунарга зор бўлиб қолишмайди? Мақсад шу саволларга жавоб топиш эди.

ДИЛИМИЗДА БИР ЁРУҒЛИК...

Ҳали заводга етмасданок дилимизда бир еруғлик пайдо булди. Бу — икки томонлама қатнов йулга қуйилган асфальт кучанинг чеккасидаги анвойи гуллар, ям-яшил

Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллигига

1996 йилнинг 25 марти. Ушбу кун Андижон вилоятининг Асака шахридаги «ЎзДЭУавто» Ўзбекистон-Корея қўшма корхонасининг бош конвейеридан бизнинг, ўзимизнинг биринчи автомобилimiz чиқди. «Дамас» русумли бу микроавтобус ҳақиқий ўзбек автомобили эди. Президентимиз Ислам Каримовнинг 1992 йилдаги Кореяга қилган ташрифи туфайли бунёдга келган ушбу улкан корхона билан фахрлансак арзийди.

ниҳоллар эди.


— Мана, завод кучасига ҳам етиб келдик, — деди ҳамроҳимиз, Шаҳрихон шаҳар халқ таълими бўлимининг мудирини Муҳиддин ака.

— Э, ҳа, — деди «Гулхан» журналининг масъул котиби Мирвосил Одиллов ҳаяжонини яширолмади. — Кучаси шу булса узи қанақайкин?

рингизни қаратамиз. Маълумингизким, бу завод Жанубий Корея Республикасидаги «ДЭУ» автомобил корхонаси билан тенгма тенг шериклик асосида қурилди. Ҳа, сарфхаражат уртада булади. «Йиғиш» сузи билан баъзи одамларнинг ҳафсаласини пир қилгандек туюлади. «Барибир узимизда ишлаб чиқарилмас экан-да, Кореядан қисмлар олиб келиниб бу ерда йиғилар экан-да» дегандек

„ДАМАС“

ЎЗБЕКИСТОННИНГ БИРИНЧИ АВТОМОБИЛИ



Бир оз юрганимиздан сунг ям-яшил дарахлар орасидан олтин ёмбига ухшаш бир улкан бино кузга ташланди. Яшил ранг билан олтин ранг киши руҳиятини кутариб юборар экан. Завод биноси яшилликнинг қафтида тургандек товланарди. Олтин ранг бир жойга жамланса узидан куёшдек бир ҳарорат тарқатишини илк бор ҳис қилиб турардик.

— Буни «дизайн» дейдилар, — деди ранг-тавсирини яхши тушунадиган Мирвосил.

Биз заводнинг қаерида булмайлик, нимадан ҳайратга тушиб, нимадан ҳаяжонланмайлик, худди биров қулогимизга «дизайн», «дизайн» деяётгандек булаверарди.

Ҳа, икки ярим минг киши ишлайдиган корхонадаги ҳар бир жараён худди узукка куз қуйгандек эди. Шовқин деган нарсаяйқ, демак, ишчиларнинг асаблари ҳам жойида. Ҳавода на бир куюк иси, на бир чанг-чунг бор, демак ишчиларнинг саломатликлари ҳам жойида. Жуда катта майдонни эгаллаб ётган заводнинг бирон бир ерида томчи қора мой курмайсиз. Биз шу пайтларгача «Экологик жиҳатдан тоза завод» деган гапларни куп эшитган эдик, лекин амалдасисини энди куриб турардик.

Заводда учта йиғув линияси ишлаб турибди. Биттасида «Дамас» микроавтобуслари, иккинчисида «Тико» жажжи автомобилли, учинчисида эса «Нексиа» енгил машинаси йиғилмоқда.

Шу уринда «йиғилмоқда» сузига эътибо-

булишди. Бундай гаплар сиз азиз болаларнинг ҳам қулогингизга етиб борган бўлиши аниқ. Биласизми, ҳозир биринчи йилнинг узида машиналарнинг кузов қисми шу ернинг узида — заводда ясалаяпти. Бу машинанинг деярли йиғирма фоизи дегани.

ТУРК ДҮСТИМИЗ ҲАЙРАТИ

Биз бир туркиялик биродаримиз билан шу хусусда суҳбатлашганимизда ҳайратланиб: «Биринчи йилдаёқ кузов Асакада ясалётган булса бу жуда катта галаба, бизда ҳам енгил машиналар Германия билан биргалликда чиқарилади. Бироқ сиз эришган натижаларга йиғирма йилдагина эришган эдик», деди.

Ҳа, азиз болалар! Бу йил туқсон олтинчи йил. Завод булса йилма йилига уч йил деганда ишга тушди. Банақаси тарихда булмаган! Орадан яна уч-тўрт йил утади. Икки мингинчи йилга бориб енгил машиналарнинг саксон фоиз қисмлари шу ерда тайёрланади! Мотор, диск, ойна, уриндиклар, пластмасса қопламалари ишлаб чиқарилган корхоналар бирин-кетин ишга тушяпти. Шунинг учун «Кореядан олиб келиб йиғилапти» деган гаплар ҳам нисбийдир. Лекин Асакадаги бош завод йиғув номи билан қолаверади. Чунки водийнинг турли ҳудудларида тайёрланган қисмлар шу ерда йиғилади ва енгил машина қиёфасига киради, катта бозорга узатилади.

ҚИРҚ ХУНАРЛИ ИНСОНЛАР БУНДА

Биз заводдаги барча ишлар автоматлаштирилганини, компьютерлаштирилганини, ишчилар ҳатто бир кило оғирликдаги буюмни кутаришга мажбур эмасликларини куриб ҳайратга тушардик. Илгари завод деса ҳамма ёғи қорамойга беланган одамлар куз олдимизга келарди. Уйлаб қоласан киши... Кечагина СССР тарқаб, мустақиллигимиз эълон қилиниб бундоқ қарасак, ҳатто миҳ ишлаб чиқарадиган корхонамиз ҳам йўқ экан. Ҳамма нарсачетдан олиб келинаркан. Бугун-чи? Мана, энди уз автомобил заводимиз бор. Собик СССР таркибидеги қайси республикаларининг бугун шунақа улкан заводи бор? Фақат бизники! Айтгандай бу ягона эмас. Хоразмда «Мерседес», Самарқандда турк биродарларимиз билан биргалликда «Коч» автобус заводи қурилмоқда.

Биласизми, Асакадаги завод қанча одамни иш билан таъминлайди. Эллик минг! Ҳа, шунча одамнинг уйига маданият, ободлик киради. Шунча хонадон тукин булади. Қандайдир беш олти йилнинг орасида битта худудда шунча одамни доимий иш билан таъминлаш ҳазил гап эмас.

Биз кечагина Россияга қарам эдик. Ҳамма соҳада. Энди эса уларнинг автомобил бозорида жой талашадиган бўлиб қолдик. Ҳозир одамлар машҳур «Жигули», «09», «Газ-31», «Нива»ларга эмас, бизнинг автомобилларга харидор бўлиб туришибди. Нимага? Бизнинг машиналаримиз кам ёқилги ишлагади. Будегани ёқилги ҳам тежалади, ҳаво ҳам ифлосланмайди. Бошқа машиналарга қараганда анча енгил. Буням фойдаси иккита.

Бошқарилсак осон ва тез юради.

Ҳозир завод конвейеридан ҳар икки соатда биттадан автомобил тушяпти. Одатда синов ишлари кетаётганда шундай булади. Бу муддатда роботлар одамларга, автомат, ярим автоматларга мослашадилар. Эрта-индин завод конвейеридан биттадан эмас, йиғирматагача машина тушади.

Энди бу ердаги ишчиларнинг тақдирига келсак, улар хеч қачон Бойқунгир космодроми ишчилари кунига тушиб қолмайдилар. Улар заводдан кетган пайтларида ҳам хоҳлаган автосервисларда ишлашлари, хусусий корхоналар очишлари мумкин.

Завод уз хизматчиларини жудаям қадрлайди. Ишга бориб келишлари учун махсус автобуслар ажратилган, корхона ҳисобидан нонушта, тушлик берилади, арзон нархда енгил машиналар бериш ҳам кузда тутилган.

Хуллас, маҳобати космодромдан қолишмайдиган бу улкан, куркам заводдан чиқарилган экинми, юртбошимизнинг «Ўзбекистоннинг уз тараққиёт йули бор» деган сузларини ширин бир энгикиш билан эсладик. У киши айтган узуу-ун ва равон йул буйида қад ростлаган юзларча, мингларча иншоотлардан бири Асакадаги «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси эди.

Эркин МАЛИКОВ.

ФРАНЦУЗ ЎҚУВЧИЛАРИ САМАРҚАНДА

Халқаро ЮНЕСКО ташкилотининг ташаббуси билан Франциянинг «Северол» халқаро лицейи ўқувчилари кўҳна Самарқандга ташриф буюрдилар. Улар бу шаҳарнинг меъморилик обидаларини таъмирлашда иштирок этишмоқчи. Шунингдек француз ўқувчилари 25 кун давомида Тошкент ва Бухорода ҳам бўлиб, археологик тадқиқотларни кузатишни ният қилишган. Сафар сунгида ЮНЕСКОнинг юртимиздаги комиссияси ҳамда Халқ таълими вазирлиги уртасида ўзбекистонлик ўқувчиларни Европа мамлакатларига юбориш режаси ишлаб чиқилади. Шундай экан, хорижда бўлишни истасангиз, чет тилини кучли узлаштиришга шошилдинг.

«КАМОЛОТ»НИНГ ТАШАББУСИ

Ёзги таътил кунларини мароқли ўтказишда мактаб ўқувчиларининг ака-опалари ҳам ташаббус курсатишмоқда. Жумладан кунга кеча пойтахтнинг А. Икромов туманида жойлашган 194 мактаб лагеридан республика ешларининг «Камолот» жамғармаси туман бўлими томонидан болалар уртасида билимдонлик, санъат, спорт, буйича қизиқарли беллашув булиб утди. Мусобақа голибларига жамғарманинг совғалари топирилди.



Бир ҳафта янгиликлари

ЯХШИ НИЯТ ЙЎЛИДА

Очиқ ҳавода, табиат қўйнида дарс утиш баъзилар учун галати туюлиши мумкин. Аммо Навбахор туманидаги 11-мактабда янги ўқув йилидан бошлаб биология ва ботаника дарсларини яқиндагина шу ерда тайёқил этилган «Ботаника боғи»да ўтказишмоқчи. Богнинг икки гектарли майдонида усимликларнинг 45 га яқин тури, дарахларнинг эса қариб 70 тури парваришланмоқда. Наботот олами бағрида билим олиш қандай бўлиши ҳақида янги ўқув йилида мактаб ўқувчиларидан таассуротлар битилган мактублар кутамиз.

ЎҚИТУВЧИЛАР ҒОЛИБ ЧИҚИШДИ

Ўқитувчилар билан ўқувчилар уртасида футбол мусобақаси ўтказилганини эшитганмисиз? Наманган вилояти Чортоқ туманида ана шундай ғаройиб беллашув бўлиб утди. Бу ерда болалар учун янги футбол уйингоҳи ажратиб берилгани катта тантананага айланиб кетди. Мактабнинг собик раҳбари Нурхон Солиев хотирасига бағишлаб ўтказилган «Хотира турнир»ида ен-атрофдаги корхона ва ташкилотларнинг футбол жамоалари ҳам иштирок этишди. Турнирда ўқитувчилар жамоаси голиб бўлишди.

ЮЛДУЗЛАРНИНГ САНОФИ ЙЎҚДИР

Ой битта, биламиз,
Офтоб битта.
Юлдузларнинг эса санофи
йўқдир.
Хоҳласанг хаёлан,
Хоҳласанг чутда
Бу тун юлдуз санаб
чиқайлик дўстим.
Осмон юлдузларни
ҳисоблаб юрмас,
Кел санаб чиқайлик,

бирга журажон.
Бари узиники биледи,
Бироқ,
санашни билмайди
бечора осмон...
ВАХМ

Овчи.
Қуштиг гум этади.
Кўхна урмон қурқувдан
Ногоҳ титраб кетади.
Тунлар утар,
Тонглар отар.
Энди йиғиб
хушларингизни,
Қушлар,

Айтинг тушларингизни.
— Овчи,
Қуштиг гум этади...
КОРАБАРОК
Иноят Раҳмоновга
Эганг улди,
Айридинг сен
Гуё мушфиқ онангдан.
Йиғи саси келар ана
эганг улган хонангдан.



эдилар.
Қарийб йигирма йилдан

Йиғлаётган қариндошлар
эртага кула бошлар
Сенинг эса
жонинг билан
чиқар дардинг танангдан.
ЧАМБИЛБЕЛ
Бир чуққисоқол сеҳргар
узун режа тузиб,
бу юртни қўз остига
бостириб кетади.

Сал сунгроқ эса
шоғирдлари,
мулозимлари
неки топса

қўлтигига қистириб
кетади.
Учаргиламларга солиб
кетади,
ут-уловларда олиб кетади
тилласини, пилласини
ҳийла билан, дуқ билан
Йўлни тусиб чиққан
жумардлар
адирларда қолиб кетади
курагида ханжар билан,
қўкрагида уқ
билан.

Яҳё Тоға — 1957 йил Тошкент вилоятининг Қўрғонча қишлоғида туғилган. 1974 йил Тошкентдаги Титов номли спорт мактаб-интернати футбол бўлимини тугатган. 1989-91 йиллар Москвада Олий адабиёт курсини ўтаган. «Кўклам қалдирғочлари», «Қафасдаги бургут», «Тасалли» шеърӣй тўпламлари нашр эттирилган.

Яҳё Тоға шеърларидаги соддалик, самимийлик шоирнинг қуйиб қўйгандек ўзига ўхшайди.

Баъзан ҳазин, баъзан қувноқ мисралар қадим оҳангларимиз томиридан оқиб келади. У қисқа ёзади, аммо кўп нарсани айтади.

Шоир Яҳё Тоға билан суҳбат

— Мактабда қандай ўқигансиз? Ўқитувчингиздан дакки ҳам еганмисиз?

— Бир оғиз суз билан айтадиган бўлсам, яхши ўқиганман. Олтин медал олишимга бир баҳя қолган. Лекин сизни менинг кундалигимдаги баҳолар қизиқтираётганга ухшайди. Бироз шўх бўлганман, бироз лапашанг. Биринчи ўқитувчим, алифни калтак, деган, умуман алифбони ургатган, қўлимга қалам тутқазган одам, бугунги кунда қишлоғимизнинг — энг ширин, энг обруди чолларидан бири — Халил ака Саидумаров. Дакки уёқда турсин, илк шапалоқни ҳам шу одамдан еганман.

Бир куни мактабга духтир оралаб қолди. Оммавий «укол» эмиш. Қўлларида ниш тугган оқ халатли опалар. Бу манзара юқорида синф ўқувчиларининг кўнглига ҳам ваҳима соларди. Синфдошларимиздан бири духтирдан қочган бўлди, биз қувган. Қочоқ-ку бадар кетди, қувлоқларнинг асосий қисми ҳам синфга қайтган. Фақат мену яна синфимиздаги шокила сочли аёлчи қиз қочоқнинг изини йўқотиб, узоқроқ қолиб кетибмиз. Биримиз синфкум, биримиз тозалик комиссиясининг раиси. Охирги дарнинг адоғида икки пешқадам синфга шумшайиб кириб келганмиз. Шапалоқни мен еганман, уни бу «мукофот»дан қиз болалиги сақ-

лаб қолган бўлса керак. Эртасига духтирнинг биринчи «укол»ига ҳам мен рупара бўлганман. Тўғриси айтсам, иккинчи шапалоқни ҳам шу қиз туфайли еганман. Бу пайтга келиб, суягимиз қотиб, тилимиз бурро тортиб қолган эдик.

— Емон кўрган ўқитувчиларингиз бўлганми?

— Булган. Фалон ўқитувчимни ёмон кўрганман, дейиш, қанчалик оғир бўлмасин, булганми — булган-да. Тарих ўқитувчимиз буларди, болалар уни орқаваротдан «Джонсон», деб атардик. «Джонсон» деганимиз бошида шляпа, шундоққина бурнининг устида доҳиёна кўзойнак булишига қарамай, сабоқни китобдан ўқиб берарди. Шляпа-ю кўзойнакнинг ниқоб, билимсизлигини яшириш учун бир ниқоб эканлигини билганлигимиз учун ҳам ёмон курардик.

Шунга қарамай ўқитувчиларимизнинг аксариятини яхши курардим. Энг яхши курган ўқитувчиларим Халил ака Саидумарову (барча шапалоқу даккиларидан қатъий назар), математика муаллими-миз Нуриддин ака Кузиев эдилар. Бу икки сиймо мен учун уша пайтда уз соҳаларининг энг билимдон даҳолари

Маним, 2-ларим

буён шаҳардаман. Турли соҳа фан кандидатлари-ю, фан докторлари билан танишдим, мулоқотда бўлдим. Қизиги ҳам, қувонарли томони ҳам шундаки, шаҳарда учрашганим олимлар билан бўлган мулоқотлар ул икки даҳонинг сиймосига соя сола олмади.

— Шоир бўлмаганингизда ким бўлардингиз?

— Умуман олганда, шоир бўлдимми? деган саволнинг узи ҳали менинг олдимда кундаланг бўлиб турган бир қўрғондир. Шоир бўлдимми? — бу саволга жавоб излаш ҳамisha нашъали ва ҳамisha изтиробли. Бир дўстимизнинг нақли бор эди: — Шоир шеър ёзаётганида шоирдир, бошқа пайт арбоб, деган. Шу нақлдан келиб чиқадиган бўлсам, ҳозир арбобман. Саволдан келиб чиқадиган бўлсам, муаллимимдан биринчи шапалоқни еганимда, ўқитувчи бўлман, лекин ўқувчини ур-

майман, деб қасд қилиб қуйганман. Кейинроқ математик буламан, деган орзу билан ҳам маълум вақт яшаганман. Яна ҳам кейинроқ, юқори синфда ўқийдиган қизларнинг эсдалик дафтарларида битилган бири биридан ширин, бири биридан гузал шеърларни ўқиб, шоир буламан, деган орзу пайдо бўлган,

лекин ҳали ул қизларнинг дафтарларидагидай гузал шеърлар ёзолганим йўқ.

— Болаликнинг нимаси яхши?

— Покизалиги, деган жавоб тилимга тинчлик бермай турибди, лекин бу жавоб барча жавоблар ичра энг сийқаси эканлигига ҳам ақлим етиб турибди-ю, бошқа жавоб тополмай гарангман. Асли, болаликнинг нимаси ёмон? деб сўрасангиз булар экан... Уйлаб қарасам бу савол ҳам бежавобдай. Чуқурроқ уйлашга е менинг иқтидорим изн бермапти, еки ҳали айтганим — болаликнинг покиза осмонига доғ тушириб қуйишдан қўрқаяпман.

— Ватанни севасизми? деб сўрасак, ҳа! деб жавоб берасиз. Бу табиий. Нима учун севасиз?

— Пайгамбаримиз Муҳаммад Мустафо саллалоҳи

алайҳи вассалламдан бир ҳадис бор: «Хуббил ватани мин ал ийман!», яъни «Ватанни севмак иймондан дур». Бундан-да баланд жавоб изламакни узим учун шаккоклик, деб билдим. Афу этинг. Ватанни қай даражада севиш масаласи эса, иймоннинг даражаси — бутунлиги еки заифлиги билан боғлиқ. Иймон дегани эса... Бу энди булак мавзу.

— «Тонг юлдузи» газетасининг қандай бўлишини истайсиз? Таклифларингиз ва тилақларингиз...

— Болаликнинг нимаси яхши? деган саволингизга жавоб беролмаганимга қарамай, «Тонг юлдузи»нинг болаликка уйқаш еки ухшаш булишини истайман. Токим, газетамиз мустақил Ўзбекистон болаларининг бемалол шарҳи дил эта оладиган минбари булиб қолсин. Болаларнинг энг ёмон кўрган нарсаси — гирромлик. Тилагим — бу даргоҳга гирром ораламасин. Токим болалар упкасини қўлтиқлаб, жажжи қалбларини ликопчага солиб чопиб келганларида бу даргоҳ пешволари узларини лаганга солмасинлар ва ул ликопчадагини таом фаҳмлаб қолмасинлар...

Суҳбатни Халима АХМЕДОВА олиб борди.

Навбатдаги машгулотга келган қизалоқларни ўқувчилар саройида хушxabар кутарди.

— Табриклайман, қизларим, Туркияга борадиган булдинлар, халқаро болалар фестивалига, — деди тугарак раҳбари Насиба опа. Сунг яна қушиб қуйди: — Хорижга биринчи сафаринглар эмас, бунинг қандай жиддийлиги, қанақа ҳозирлик куриш зарурлигини яхши биласизлар. Айтгандай, энди машгулотлар вақтини ҳам би-

ча қилди Ширин Эргашева.

Бу ерга ташриф буюрган икки минг нафар болани икки минг турк оиласи сабрсизлик билан кутарди. Ҳатто олдиндан огоҳлантириб қуйилган ушбу хонадон бошлиқлари хизмат жойларидан рухсат олиб булса ҳам ун кун давомида қадрли меҳмонлари билан бирга булдилар. Бу болажон инсонлар кичик санъаткорларни уз фарзандларидек куриб, кечкурун уз

туйида иштирок этиш учун боргандик. Болаларимиз Маҳмуд Эсонбоев, Олег Газманов, София Ротару сингари машҳур санъаткорлар билан учрашиб, суҳбатлашди.

Урни келганда бизга ана шундай фойдали мулоқотлар ўтказишимиз учун имконият яратиб беришга ҳаракат қилаётган Ўзбекистон Республикаси Халқ

Мустақил юрт болалари ватанлари билан фахрланадилар

«ЮЛДУЗ» ДАСТАСИ АЪЗОЛАРИ: «РАҚС ТИЛИДА СЎЗЛАШДИК...»



роз кунпайтирамиз.

Шу кундан сафар тайергарлиги бошланди. Тугарак аъзолари мезбонлар учун миллий хунармандчилик буюмлари: дуппи, чопон, қийиқча, кашталар тайерлашди...

Ниҳоят белгиланган кун ҳам етиб келди. Республика ўқувчилар саройининг машҳур «Юлдуз» дастаси аъзолари Дурдона Содиқжонова, Ширин Эргашева, Шахло Иноғомова, Гулноза ва Комила Аҳмедова, Гулмира Салимова, Гулнора Орипова ва бошқа аъзолари Туркия сари йул олишди.

— Анқарада бизни кутиб олишга чиққан тумонат одамни куриб фахр ва севинчдан энтикиб кетдим, — дейди Дурдона Содиқжонова. — Бу ерга дунёнинг 48 та давлатидан санъаткор болалар ташриф буюришганди. Уша кунни жойлашиб, дам олгач, эртасига гуруҳ-гуруҳларга булиниб супермаркет дуконлари, турли томошахоналар, болалар оромгоҳлари, сайлгоҳларида концертлар берардик.

— Бизни ҳайратга солган ва қувонтирган яна бир нарса — ҳар йили фақат Туркиядагина ўтказиладиган халқаро болалар анжуманининг уз муддатида, муваффақиятли утишига катта аҳамият берилиши эди. Ушбу ун саккизинчи фестивалнинг хомийлари ва асосчилари Туркия радио ва телевидениеси экан, — дугонасининг сўзларига қушим-

машиналарида уйларига олиб кетинлар, эргалаб олиб келиб қуйишарди. Ўзбек болалари ҳам қаерга боришмасин, атлас, дуппи, кашта тикилган рўмоллар ёки хунармандлар қули билан ясалган бирорта буюм совға қилишарди.

— Ишонасизми, дунёнинг 48 мамлакатидан келган болалар қайси тилда сўзлашишдан қатъий назар бир-биримизни бемалол тушунардик, чунки биз санъат тилида гаплашардик-да, — таассуротларини баён қилади Гулмира Салимова. — Айниқса Хитой, Сингапур, Швеция, Япония, Украинадан келган тенгдошларимиз билан қалин дуст бўлиб олдик.

Шогирдлари суҳбатига «Юлдуз» болалар дастаси раҳбари, Ўзбекистонда хизмат курсатган артист Насиба опа Мадраҳимова яқун ясадилар:

— Бундай ижодий сафарларнинг болалар учун фойдаси катта булмоқда. Биринчидан, улар ижодида янги-янги кирралар очилса, иккинчидан қалбларида мустақил ватанга муҳаббатлари ортмоқда. Булардан ташқари хорижий давлатлардаги тенгдошлари ҳаёти, ижодини урганишга кенг имконият яратилаяпти. Бундан сал аввалроқ биз ҳамдустлик мамлакатларининг куп шаҳарларида сафарда булгандик. Болаларда, айниқса Крим анжумани катта таассурот қолдирди. Биз у ерга «Артек» оромгоҳининг 70 йиллик

таълими вазири Жўра Ганиевич Йўлдошев, Республика ўқувчилар саройи директори Олия Жалоловна Иброҳимова ҳамда ота-оналарга миннатдорчилик билдирмоқчиман.

Яна Туркия сафарига қайтадиган булсам, анжуман давомида мени бир нарса ҳамиша ҳаяжонга солди. Чунки қайси мамлакат вакиллари булмасин бизнинг ўзбек болаларига бошқача меҳр, ҳурмат, қизиқиш билан қарашарди. «Сизлар Ўзбекистондан келгансиз-а?» дейишарди қизларимизнинг қирқ урим сочлари, дуппиларини силаб, атлас либосларига ҳавас билан қараб. Бизникилар ҳам уз навбатида уларга ҳурмат бажо келтириб «Ўзбекистонимизга албатта боринглар!» деб мулозамат қилишарди.

Биз уз вақтида Дилафруз Жаборова, Қизлархон Дустмуҳамедова, Малика Аҳмедова, Қодир Муминов, Жамшид Зокиров каби халқимизнинг ардоқли, истеъдодли санъат юлдузларини уз бағрида ардоқлаб, 46 йил давомида фаолият курсатаётган «Юлдуз» болалар ансамблига ижодий ютуқлар, мустақил юргимиз довругини жаҳонга ёйишдек муқаддас ишларида муваффақиятлар тилаймиз.

Т. АХМЕДОВА.

Тенгдошларинг ижоди



Шеърят — кўнгил мулки. Инсон қалбига сиймай жўшиб бораётган қувончу шодликлар, тугён ураётган дарду аламлар шеър бўлиб тугилади. Лекин шоирлик ҳар кимга ҳам насиб этавермайди.

Келажақда ана шу қисматта ошно бўлиб, шеърлар ёзиш умидида изланаётган ёш қаламкашлардан бири Феруза Азизовадир. У Тошкент шаҳар, Юнусобод туманидаги 258-мактабнинг 8-синфида

Шундан булса керак, даста-даста шеърини машқларини кўтариб таҳририятимизга тез-тез келиб туради, фикрларимизни билгиси келади. Унинг интилувчанлиги-ю тиришқоқлигидан шеърятта булган иштиёқи шунчаки ўткинчи ҳавас эмаслигига ишонгимиз келди.

Унинг шеърини машқлари билан сиз ҳам танишиб кўринг.

ўқийди. Келажагини, эртанги кунини шеърсиз, шеърятнинг сеҳрли, мафтункор оламисиз тасаввур қила олмайди.

Сарватоғда


Сой суви тарам—тарам, Эркалар сув, ҳеч қачон
Кел, занжирин узайлик. Чумилишдан безмаймиз.
Ҳавасни қузғар бирам, Чунки чумилмасак биз,
Балиқ каби сузайлик. Ёз гапгини сезмаймиз.

Қалбим

Мен бир ҳаёт куйчиси, Шеърларим адолатга
Яшайман илҳом билан. Чорлағувчи овоздир.
Йулларим ёритгувси, Қаламим кўшиқ битар,
Юрак ёниқ шам билан. Қалбим оппоқ қоғоздир.
Умрим, меҳрим, О, одамлар ҳаётни,
меҳнатим, Кузга суртинг, ургилинг,
Яхшиларга ёр булар. Токи тирик вужудсиз,
Қайда булса эзгулик, Яхшилиққа улгуринг.
Кўнглим унга бор булар.

Бўш вақтларда

«ОЛИМПИАДА УЙИЛАРИ» ТАСВИРИЙ БОШҚОТИРМАСИ



Болалар! Аввало айланаларидаги ёзги олимпиада уйинлари дастурига кирган спорт турлари номларини топинг ва ҳар бирининг атрофидаги хоналарга ёзинг.

Энди жавоб сўзлар асосида шакл марказидаги рақамлар жуфтини (унг томондаги рақам — жавоб сўз, чап томондагиси ҳарф таркибини англатади) ҳарфлар билан алмаштириб, муамномани ҳал этинг. Ундан «Спортта қасида» даи олинган сўзларни билиб олмасиз.

Шакл атрофидаги айланаларда берилган ҳарфларни маълум тартибда кетма-кет ўқий олсангиз, «Спортта қасида» муаллифи, замонавий олимпиада уйинлари ташаббускорининг исми шарифи аён булади.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ.

<p>ТОНГ ЮЛДУЗИ Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси</p>	<p>Бош муҳаррир Умида АБДУАЗИМОВА</p>	<p>Таҳрир хайъати: Наримон ОРИФЖОНОВ, Омон МАТЖОН, Гулнора ЙЎЛДОШЕВА, Марат ШАФИЕВ, Феруза ЖАЛИЛОВА.</p>	<p>IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ. Буюртма — Г-0377. 7691 нусхада босилди. Қоғоз бичими — А-3. Босишга топшириш вақти 19.00. Топширилди — 18.30</p>	<p>Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137. Манзил: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Телефон: 33-44-25</p>
---	--	---	--	--